2008 ЙИЛ, 30 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (11.253)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

*Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!*
*Қадрли устозлар!*

*Дунёдаги энг машаққатли, айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.*

*Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва касбу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айни шундай устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган энг буюк қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.*

*Биз истиқлолга эришганимиздан кейин таълим соҳасида эски қолиплардан воз кечиб, бутунлай янгича принципларга, аввало, миллий анъана ва қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизимни барпо этиб, ҳаётимизга чуқур жорий этганимиз бугунги кунда ўзини амалда тўлиқ оқлаётгани ҳеч кимга сир эмас.*

*Буни ҳозирги вақтда нафақат юртимиз аҳли, балки кенг халқаро жамоатчилик тан олиб, бу тизим узоқни кўзлаётгани, унинг миқёси ва кўлами ортиб, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, таъбир жоиз бўлса, "портлаш таъсири"га олиб келиши мумкинлигини эътироф этмоқда.*

*Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қурби-қудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда.*

*Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодимизни вояга етказаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самараси ва пировард натижасини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.*

*Шу борада умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейинги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганини қайд этиш жоиз. Фақатгина мана шу йилнинг ўзида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшимча равишда 1,5 баробар оширилгани бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Албатта, таълим соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун замин туғдириб бермасдан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб, бу ҳақдаги барча даъватлар кутилган натижани бермаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.*

*Табиийки, ҳозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласини давлат ва жамиятимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Бундай сиёсатни изчил амалга ошириш ва узлуксиз давом эттиришни мен бундан буён ҳам ўзимнинг Президент сифатидаги юксак бурчим деб биламан.*

*Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш аввалабмбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, қадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаслаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас.*

*Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб қўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта куч ва салоҳиятга эга эканимиз аён бўлади.*

*Шу маънода, мамлакатимизда 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – мана шундай гўзал ва мўътабар байрам сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилганимиз дунёда камдан-кам учрайдиган мисол бўлиб, давлатимиз, халқимизнинг, шахсан ўзимнинг сиз, азизларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси десам, янглишмаган бўламан.*

*Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб биламан. Бугунги кунда юксак маънавиятни жамиятимизда енгилмас кучга айлантириш ҳақида қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу ўта муҳим ва долзарб масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг зарурати ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат таъкидлаб айтмоқчиман: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор мероснинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.*

*Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўткир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигимизни истардим.*

*Мана шундай буюк, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган вазифани аввало навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари, менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизларга ишониб топширганимизни бугун шу юксак минбар орқали алоҳида таъкидлашдан мамнунман.*

*Муҳтарам ва қадрли устозлар!*

*Мана шу муборак кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.*

*Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизларим!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

**БАРЧАМИЗНИ БИЛИМЛАР ОЛАМИГА ОШНО ЭТИШ БАРОБАРИДА ОНГУ-ШУУРИМИЗДА ОЛИЙЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА, ТЕРАН ВА СОҒЛОМ ТАФАККУР СОҲИБИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИМИЗДА МЕҲРИБОН УСТОЗЛАР, ФИДОЙИ МУРАББИЙЛАР, ҒАМХЎР ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТИ БЕҚИЁСДИР. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, КАМОЛОТИДА ҒОЯТ МУҲИМ ЎРИН ТУТУВЧИ УШБУ СОҲА ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябрь – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Зеро, бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзанди камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам чинакам байрамдир. Меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни пайтда истиқлол йилларида янгича маъно ва мазмун касб этган қадриятларидандир.

***(Давоми 2-бетда).***

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» муносабати билан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар:**

*Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:*

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Азларов Турғун Раҳматович** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

*Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Эшонкулов Артиқбой** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Павлова Ирина Геннадьевна** — Учтепа туманидаги 107-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси.

*Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

### II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Андреев Лев Федорович** — Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

*Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Асриева Елена Александровна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг тарих ўқитувчиси

*Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотланди:*

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Бутакова Ирина Николаевна** — Ҳамза туманидаги 145-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**Каримова Дильбар Тошпўлатовна** — Тошкент педагогика коллежининг педагогика ва психология кафедраси услубчиси

**Назарова Флора Нурматовна** — Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими (ёрдамчи) мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Низамова Саида Адиловна** — Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

## ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИДИР

### *Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 90 ёшга тўлди*

**Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз таълим тизими соҳаси вакиллари олдига ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ошириш, нафақат ҳар томонлама чуқур билимли, балки юксак ватанпарварлик ва ахлоқий фазилатларга эга, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланган ёш авлодни шакллантиришдек юртимиз келажаги учун ўта муҳим аҳамиятга молик бўлган долзарб вазифани қўйди. Ушбу вазифани амалга оширишда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 9 апрелда қабул қилинган "Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан ушбу қутлуғ таълим даргоҳининг юбилейи кенг нишонланмоқда.**

Ўзбекистон Миллий университетининг муҳташам Маданият саройида мазкур санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, олий ўқув юртлари ректорлари, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар раҳбарлари, университет ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, уни турли йилларда тамомлаган битирувчилар иштирок этди.

Йиғилишни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори F.Муҳамедов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

***(Давоми 3-бетда).***

## XXI АСР САДОСИ

### БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни тузиш амалиётини такомиллаштириш масалалари мавзусида семинар ўтказди.**

**• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Олий Мажлисда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган машғулот-тадбир уюштирилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатининг қўлланиши бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг йиғилиши ўтказилди.**

**• Самарқанд шаҳрида «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш ва янги тадбирларни ўтказишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирок этди.**

**• Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Нодавлат-нотижорат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш ва ушбу мавзуни матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари» мавзусида давра суҳбати уюштирилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирликларининг масъул ходимлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашди.**

**• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий «Мутолаа байрами-2008» тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Хусусан кутубхонанинг катта қироатхонасида мутахассислар, профессор олимлар, атоқли адиблар ҳамда талабалар иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган китоблар тақдимоти ўтказилди.**

**• Манғит шаҳридаги болалар спорт мажмуида Ўқитувчилар ва мураббийларнинг қутлуғ байрами муносабати билан енгил атлетика бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Тадбирда Амударё туманининг 20 дан ортиқ умумтаълим мактаблари жамоалари иштирок этишди.**

**• Тошкентда Бутунжаҳон туризм кунига бағишланган «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш йўлида» мавзуида экофестивал ўтказилди. Тадбирда экологик вазиятни барқарорлаштиришда жаҳон иқтисодиётининг илғор соҳасига айланиб улгурган туризмнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз борди.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Австрия пойтахти Вена шаҳрида Халқаро атом энергетикаси ташкилоти — МАГАТЭнинг 52-конференцияси очилди. Унинг қатнашчилари атом энергетикасини ривожлантириш, ядро хавфсизлигини мустаҳкамлаш, илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилмоқдалар.**

**• Белоруссияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.**

**• Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг энергетика соҳасидаги компаниялари вакиллари АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги кўмагида ишлаб чиқилган электр энергиясини узатишнинг минтақавий моделини муҳокама қилдилар. Келгусида ушбу моделни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.**

**• Атлантика океанида — Бермуд оролларидан 1,038 километр жануби-шарқда «Кайл» номли яна бир тропик довул пайдо бўлди. Таъкидлаш жоизки, «Кайл» жорий йилда Атлантика океанида юзага келган ўн биринчи довулдир.**

**• Украинанинг Евпатория шаҳрида кураш бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Ушбу турнир Халқаро кураш ассоциациясининг ўн йиллигига бағишланган бўлиб, унда Украина ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан келган спортчи ва мухлислар қатнашди.**

**• «Microsoft» компанияси раҳбари Билл Гейтс безгак хасталигига қарши вакцина тайёрлаш учун 168 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Мутахассислар келгусида яратилажак вакцина безгакка қарши кураша оладиган энг яхши восита бўлишини тахмин қилишмоқда.**

**• Автомобиль ишлаб чиқарувчи жаҳондаги етакчи компаниялардан бири «Toyota» маҳсулотлари дунёдаги энг қиммат автомашиналар рўйхатида биринчи ўринни эгаллади. Зеро шу кунгача мазкур русумли машиналар 34 миллиард АҚШ доллари ҳажмида сотилди. Рўйхатда кейинги ўринларни «Mercedc-Benz» ҳамда «BMW» компаниялари эгаллаб турибди.**

# 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*Тадбирлар*

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

**УСТОЗ. ШУ БИРГИНА СЎЗ ЗАМИРИДА ОЛАМ-ОЛАМ МАЪНО МУЖАССАМ. УСТОЗ ОТАНГДЕК УЛУҒ, ДЕГАН НАҚЛДА ХАЛҚИМИЗНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА БЎЛГАН САМИМИЙ ЭҲТИРОМИ НАМОЁН. БУ ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАР МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ.**

Пойтахтимизнинг Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тадбир Учтепа туман ҳокимлиги, ту-



ман халқ таълими, касаба уюшмалари туман бўлимлари томонидан уюштирилди.

Карнай-сурнай наволари остида бошланган тадбир ўзига хос байрамона кайфиятда нишонланди.

Тадбирни туман ҳокими ўринбосари Дониёр Азизов кириш сўзи билан очар экан, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлоднинг билимли, мустақил фикрли, комил шахс бўлиб вояга етиши йўлида барча имконият ва шароитлар муҳайё этилаётганига алоҳида тўхталди. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳам таъкидланди. Ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавий қадриятларимиз, миллий истиқлол ғоясига содиқлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган, уларга давр талаблари даражасида билим бераётган ўқитувчи ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий табриклаб, уларга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, шарафли ва машаққатли ишларида омадлар тилади.

Дарҳақиқат, юқоридаги ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида юртимизда минглаб янги мактаблар қад кўтарди, эътиборталаблари қайта реконструкция қилинди. Биргина Учтепа тумани миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, 1 та мактаб реконструкция қилинди. 6 та мактаб капитал, 12 таси эса жорий таъмирдан чиқарилиб, ўқувчи ва ўқитувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.



Тадбирда узоқ йиллардан буён таълим соҳасида самарали меҳнат қилиб келган фахрий ўқитувчилар, ўзининг изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан эл назарига тушган ёш педагоглар, жонкуяр мураббийлар, моҳир ва тажрибали устозлар туман ҳокимлиги, туман касаба уюшмаси томонидан махсус совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Эл севган иқтидорли хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар, дилбар рақслар тадбирнинг янада файзли ва хушнуд ўтишини таъминлаб берди.

Тадбир жараёнида касб байрамлари муносабати билан тақдирланган ўқитувчиларнинг фикрлари билан танишдик.

**Салтанат МУСАХЎЖАЕВА: Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети нафақадаги ўқитувчиси.**

— Бугун жуда хурсандман. Мана кўриб турибсиз барча шодлик ва тантаналар биз учун қилинаяпти. Ўқитувчи аслида боғбонга ўхшайди. У тарбиялаб ўстирган ниҳолларнинг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади. Бундай табаррук кунда бизни эсидан чиқармай, эътибор билан шу тантанага таклиф қилган туман ҳокимлигига ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан. Барча илм аҳлини, шогирдларимни қутлуғ сана билан чин кўнглимдан табриклайман

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар**

**Алексей Попов олган суратлар**

*2008 — Ёшлар йили*

## ДИЛФУЗАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ, АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ БЕНИҲОЯДИР. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ АНА ШУ МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА ВА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНМОҚДА.**

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови ҳам республикамиздаги энг иқтидорли ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил қилинган. Бу йилги «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблигига пойтахтимиздаги 156-мактабнинг мусиқа фани ўқитувчиси Дилфуза Бурхонова муносиб деб топилди.

— Мен мазкур танловда ғолиб бўлишни жуда истагандим, шу боис анчагина машаққат чекиб изланган меҳнатларим самара берди, — дейди Дилфуза. — Мана шу муваффақият замирида шуни англаб етдимки, инсон астойдил интилса, изланса, ўқиб-ўрганса, устозларининг маслаҳат ва ёрдамларига таянса изланишлари бесамар кетмас экан. Менинг бу ютуғим ота-онам, оилам, севимли фарзандларим, устозларим, мактабимиз жамоаси, туман ва шаҳар услубчиларнинг кўмаги, йўлланмаси маҳсулидир. Бу улкан ютуқдан жуда хурсанд ва бахтиёрман.



Бутун умр қадрдон мактабим, азиз ўқувчиларимни, яқинларимни қадрлаб, ардоқлаб яшайман. Мусиқа эса менинг доимий ҳамроҳим, энг севимли ишим ва машғулотимдир. Насиб этса, мамлакатимиз мусиқа соҳаси ривожига ўзимнинг кичкина бўлсада улушимни қўшаман...

Дарҳақиқат, астойдил қилинган меҳнат ва изланишлар бесамар кетмайди. Дилфуза институтда ўқиб юрган кезларидаёқ, тиришқоқлиги, жуда кўплаб китоблар мутолаа қилиши билан бошқа талабалардан ажралиб турарди. Мактаб жараёнидаги таълим бериш услубига ҳам у анчагина ижодий ўзгартиришлар киритишга муваффақ бўлган. Ўқувчиларнинг мусиқага бўлган меҳрини ошириш борасида эса машҳур бастакорлар билан учрашувлар уюштириб, уларнинг ижодий фаолликларини ошириб бормоқда. Дилфузанинг дарс ўтишда кетма-кетликка асосланиш хусусидаги концепцияси ҳам бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. У, ўзининг иқтидори ва истеъдоди, меҳнати билан ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида обрў-эътибор топмоқда. Унинг ташаббуси билан тузилган «Бойчечак» деб номланган фольклор даста эса туман, шаҳар ва республика босқичларида ўтказилган тадбирларда иштирок этиб нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Мамлакатимизда миллий мусиқамизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларни ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, истеъдодли ёш ижодкорларни камол топтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди 156-мактаб директори Фарида Жўраева. — Ёш иқтидорли мусиқа фани ўқитувчиси Дилфуза Бурхонова ҳам ана шундай эзгу ишлар йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Зеро, мусиқанинг ёшларнинг тарбияси, бадиий эстетик савиясини шакллантириш, маънавиятини юксалтиришдаги ўрни беқиёсдир. Дилфуза айнан ана шу шарафли йўлда ёшларга бош бўлиб бормоқда. Албатта, мактаб жамоасининг ҳам бу борада анчагина хизматлари бор. Ёш ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мактабимизда «Ёшлар мактаби» клубини тузганмиз. Унда тажрибали ўқитувчилар фаолият олиб борадилар ва ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама кўмак берадилар. Саодат Дадамуҳамедова, Гулнора Тожибоева, Гулнора Умарова, Хадича опа Турсуновалар ана шундай жонкуяр фидойи ўқитувчилардан саналади. Мактабимизнинг энг изланувчан, тиниб-тинчимас педагоги Дилфуза Бурхонова билан фахрланамиз.

Ҳаммамизга маълумки устозлар ҳамиша маърифат гулшанида тафаккур ва онг сарчашмасини бойитиб келадилар. Улар берган таълим-тарбия боис фарзандларимиз ёмонликка нафрат, яхшиликка муҳаббат туйғуси билан камолга етадилар. Шунинг учун ҳам шарафли касб эгалари — ўқитувчилар ҳамиша эъзозда.

**Гулчеҳра САТТОР қизи**

**СУРАТДА: «Йил ўқитувчиси-2007» кўрик-танлови ғолиби Дилфуза Бурхонова**



*Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган мурғаккина болажонларга фақатгина билим сирларинигина ўргатиб қолмай, уларда Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат уйғотаётган меҳри дарё устозлар орасида шаҳримизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-мактаб ўқитувчиси Раъно Орипованинг муносиб ҳиссаси бор.*

*У ёш авлодга илм чўққиларини эгаллашларида ўз билим ва иқтидорини намоён этган ҳолда қалб қўрини бағишламоқда.*

**СУРАТДА: Раъно Орипова 1-синф ўқувчиларига сабоқ бермоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

*Ҳамшаҳарларимиз*

## ШОГИРДЛАР КАМОЛИ ЙЎЛИДА

**МАЪРИФАТПАРВАР БОБОЛАРИМИЗ, АГАРКИ ДУНЁ ИМОРАТЛАРИ ИЧИДА ЭНГ УЛУҒИ МАКТАБ БЎЛСА, КАСБЛАРНИНГ ЭНГ ШАРАФЛИСИ МУРАББИЙЛИКДИР, ДЕБ БЕЖИЗГА АЙТМАГАНЛАР. НЕГАКИ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ЎЗЛАРИНИНГ БИЛИМ ВА ТАЖРИБАЛАРИ, ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТЛАРИ, ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ КЎЗ НУРИ, ҚАЛБ ҚЎРИ ВА БУТУН БОРЛИҒИ БИЛАН БИРЛАШТИРИБ МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА БЕМИННАТ ХИЗМАТ ҚИЛАДИЛАР.**

Ойбек Холиқов ҳам ҳали ёш бўлишига қарамай устоз деган шарафли номга мушарраф бўлиб, ёшларнинг севимли устозига айланиб улгурди. У Ўзбекистон Миллий университетини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг, илк иш фаолиятини Гулистон Давлат университетида талабаларга сабоқ беришдан бошлади. 1998 йилдан то бугунги кунга қадар эса Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейда кимё фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. У 2001 йилда қирқ кун мобайнида Жанубий Корея Республикасида бўлиб ўз малакасини янада ошириб, билимларини мустаҳкамлаб келди. Шунингдек, у химик жиҳозлар бўйича эксперт бўлиб ҳам фаолият олиб борди. Бундан ташқари Ойбек Холиқов Осиё Тараққиёт банки ва Япония банки томонидан ўқув-амалий асбоб-ускуналарни олиш учун ажратилган кредит бўйича кимё фанидан эксперт бўлиб ишлаши ҳам унинг билими нақадар кучлилигидан далолат беради.



— Ойбек 1998 йилдан бери бизнинг лицейимизда ёшларга сабоқ бериб келади, — дейди ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номли академик лицей директори Қаҳрамон Ибодуллаев. — Шу давр мобайнида у ўзининг педагогик маҳорати устида доимий равишда изланиш олиб бормоқда. Лицейимиз фаолиятида эса ўқувчиларни шаҳар ва республика олимпиадаларига тайёрлаб, совринли биринчи ва иккинчи ўринларни олишларига катта ҳисса қўшмоқда. Унинг саъй-ҳаракатлари боис жорий йилда 3-курс талабаси Умид Турижонов кимё фанидан шаҳарда биринчи ўринни эгаллаб, республика олимпиадасида ҳам ғолиб бўлди. Ишонамизки Ойбек Холиқов бундан кейин ҳам ёш авлодни тарбиялашда ва уларнинг улкан ютуқларни қўлга киритишларида ўзининг ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, Ойбек изланувчан, иқтидорли, шунингдек жуда камтар ўқитувчи. — Ҳали қиладиган жуда кўп ишларим ва амалга ошмаган режаларим бор, — дейди Ойбек камтарлик билан.

Ойбекнинг рафиқаси Раънохон ҳам Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти қошидаги академик лицейда дарс беради. Улар жорий йилда ўтказилган Менделеев номидаги Халқаро олимпиадада ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиб, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Оиладаги ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро фикр алмашишлар ҳам унинг билимини янада мустаҳкамлаб, ўзига бўлган ишончини ошириб боришида муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, Ойбек Холиқовни касб байрами билан қутлаб, келгусидаги амалий ва ижодий ишларига баркамоллик тилаб қоламиз.

**Гулнигор САТТОРОВА**

**СУРАТДА: Ойбек Холиқов ўқувчилари даврасида.**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ БУГУНГИ КУНДА ЕТУК ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРАЁТГАН НУФУЗЛИ ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДАН БИРИ САНАЛАДИ. ЁШЛАРГА ПУХТА БИЛИМ БЕРИШ, КЕНГ САЛОҲИЯТЛИ МУТАХАССИС ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДА УНИВЕРСИТЕТДА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.**

## ЭҲТИРОМИМИЗ СИЗГА

Хусусан, университетнинг Халқаро журналистика факультетининг ўзида еттита кафедра мавжуд бўлиб, уларда сиёсий менежмент ва халқаро журналистика; аудивизуал журналистика; жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи, ОАВ тили, услуби ва адабий таҳрир; чет тиллари; оммавий коммуникация ва ахборот технологиялари; публицистика ва адабиётшунослик каби йўналишларда иш олиб борилади.

Шунингдек, факультетда 124 нафар профессор-ўқитувчи 450 талаба ва 74 нафар магистрантга билим бермоқда. Устозларнинг 9 нафари чет эллик мутахассислардир.

2005-2006, 2007-2008 ўқув йиллари давомида бир нечта университет ўқитувчисининг «Жаҳон журналистикаси тарихи», «Ўзбекистон тарихи» каби 2 та дарслик, 9 та ўқув қўлланма, 4 та монография ва илмий мақолалар тўплами, 377 та илмий ва публицистик мақолалари нашр қилинган. Айни кунларда 1 та дарслик ва 7 та ўқув қўлланмаси чоп этилиш арафасида турибди. Кафедраларнинг изланувчан профессор-ўқитувчилари 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари танловида иштирок этиб, 4 та грантни қўлга киритишга муваффақ бўлганлар. Факультетда олиб борилаётган ишлар, изланишлар ҳақида яна кўплаб фикрларни келтириш мумкин.

Талаба-ёшларга пухта билим бериб, уларнинг жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган азиз устозлар — факультет декани Саодат Султонсаидова, «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича Феруза Тўраева ва бошқаларнинг меҳнатларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак.

Биз айни Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳурматли устозларимизни касб байрамлари билан чин юракдан қутлаймиз, қалб қўри, кўз нурингиз, меҳру муҳаббат билан бераётган сабоқларингизни албатта оқлаб, келажакда элу юртига хизмат қиладиган ватанпарвар инсонлар сафидан ўрин олишга ваъда берамиз. Маърифат нурини тарқатишдан асло чарчаманг, азиз устозлар!

**Нозимахон АКРОМОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети III-босқич талабаси.**

## ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

***(Давоми.Боши 1-бетда).***

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизимида кечаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳларида, музейлар, маданий маърифий масканлар, санъат саройларида бўлдилар. Истиқлол йилларида шаҳримизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

29 сентябрь куни "Туркистон" саройида мазкур умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 сентябрда қабул қилинган Фармонига биноан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Ватанимизнинг тараққиёт йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Соҳага изчиллик билан татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасида таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш имконини бермоқда.

Таълимда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу масъулиятли жараёнда эса ўқитувчиларнинг касб малака ва маҳорати, билимини ошириш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимининг барча бўғинларида олиб борилаётган ислоҳотларда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизими педагог кадрларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада оширишдек долзарб масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлодни пухта ва мукаммал билим баробарида Ватан тақдири учун дахлдор, фидойи, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Ёшлар йилида таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида – умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Айни пайтда, таълим-тарбия сифатини оширишда барча тизим педагоглари меҳнатини рағбатлантиришнинг янги, самарали механизмини жорий этишда, ёшларга билим бериш ва маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

– Мен салкам қирқ йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаман, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анорхон Маҳмудова. – Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқитувчилик касби янада юксак шараф ва эъзоз, қадр-қиммат топмоқда. Бугун замоннинг ўзи ёшларга нафақат чуқур билим беришни, балки уларнинг қалби ва онгига энг эзгу ғояларни жо этишни, миллий манфаатларимизга ёт мафкуравий ғоя ва таъсирлардан ҳимоялашни талаб этмоқда. Педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни янада фидойироқ бўлишга, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндошишга, изланишга ундайди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли таълим тизимининг мутлақо янги бўғини — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига асос солинди, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Фасиҳиддин Дадамуҳамедов. — Юртимизнинг турли ҳудудларидаги коллежларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича кўплаб йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Ёшларнинг қизиқиши, орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтирилмоқда. Биз, педагоглар, педагог-муҳандисларнинг меҳнатимизни рағбатлантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ушбу умумхалқ байрами арафасида "2008 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови якунланди.

Йиғилишда Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуронов, пойтахтимиздаги 206-боғча-мактаб ўқитувчиси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг педагогик грант совриндори Замира Азимбоева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидладилар. Соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

# ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛИДИР

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 26 сентябрда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил этилганининг 90 йиллиги муносабати билан унинг бир гуруҳ профессор ва ўқитувчилари, илмий ходим ва талабалари юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда уларга ушбу мукофотлар топширилди.

Миллий университет ташкил топганидан буён нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақасида таълим ва илм-фанни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда. 1918 йилда ташкил этилган мазкур таълим даргоҳи фаолияти давомида бир неча ривожланиш босқичини босиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2000 йил 28 январда қабул қилинган Фармонига биноан унга Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди. Бутун дунёда эътироф этилган ушбу юксак мақом давлатимиз раҳбарининг ушбу олий ўқув юртида таълим жараёнини мунтазам такомиллаштириш, илмий фаолиятни ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратаётган улкан эътибори самарасидир. Келажакни кўзлаб амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар кўлами мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган жорий йилда янада кенгайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг бошланган, янги, бозор иқтисодиёти ривожланган, демократик давлат барпо этиш жараёни жамиятимиз олдига ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган ғоят муҳим вазифани қўйди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа давлат дастурлари айнан ана шу мақсадга — ривожланиб бораётган жамиятимиз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, энг илғор халқаро стандартлар асосида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган. Сўнгги йилларда ушбу соҳада ҳақиқатан ҳам кенг кўламли туб ўзгаришлар рўй берди. Тегишли қонунчилик базаси шакллантирилди. Узлуксиз таълим тизими, жумладан янги турдаги ўқув юртлари – коллеж ва лицейлар тармоғи ташкил этилиб, бу ерда ўқувчилар базавий билим ҳамда касбий кўникмага эга бўлмоқда. Кейинчалик ушбу билим ва кўникмаларини олий ўқув юртларида янада чуқурлаштирмоқда.

Айни пайтда Миллий университетда 11 минг нафардан ортиқ талаба 38 йўналиш ва 88 мутахассислик бўйича таълим олмоқда, юзлаб аспирант ва докторантлар илмий тайёргарликдан ўтмоқда. Университетда академиклар, фан докторлари ва номзодлари, тажрибали ўқитувчилардан таркиб топган юқори малакали профессор-ўқитувчилар жамоаси меҳнат қилмоқда. Бу ерда 13 факультет, 95 кафедра, 16 илмий лаборатория, ўқув-амалий ва илмий марказлар ишлаб турибди. Университет ихтиёрида 3 миллиондан ортиқ китоб фондига эга илмий кутубхона, ахборот марказлари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган спорт мажмуалари, даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Талабалар турар-жойлари кўркам ва шинам ҳолга келтирилди, уларда Интернетдан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўказиш учун мўлжалланган хоналар, жисмоний тайёргарлик учун тренажёр заллари ҳам бор.

Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимиз ва қўшни давлатлардаги олий ўқув юртлари, кўплаб илмий ташкилотларни шакллантиришда муҳим база вазифасини ўтади. Бу ерда замонавий илм-фаннинг барча асосий йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда, янги йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Университет жаҳон илм-фан жамоатчилиги орасида катта обрў-эътиборга эга. Кўпгина давлатлардаги илмий марказлар ва олий ўқув юртлари университет билан ҳамкорлик қилмоқда, биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Шуниси қувонарлики, бу ишларда талабалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар талабалар илмий жамиятларида ўзи меҳр қўйган мутахассислиги бўйича шуғулланиб, илмий-тадқиқот институтлари ва академик институтлар лабораторияларида амалиёт ўтамоқда, хорижий давлатларда малака оширмоқда. Буларнинг барчаси таълим сифатини ошириш, рақобатбардош, мамлакатимиз иқтисодиёти, илм-фани, ижтимоий соҳа учун зарур кадрларни тайёрлаш, таълим, илм-фан ҳамда ишлаб чиқаришни интеграциялаштиришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Университет битирувчилари орасида кўплаб машҳур давлат арбоблари, илм-фан ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари, маданият намояндалари бор. Йиғилишда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам энг етакчи ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган Миллий университет юбилейига бағишланган янги шеърини ўқиб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессорлари А.Расулов ва В.Троицкий, биология-тупроқшунослик факультети магистратурасининг 1-босқич талабаси М.Расулова ва бошқалар университет кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда бевосита иштирок этган ҳолда, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларнинг янги авлодини тарбиялашдек ўз зиммасига юкланган улкан вазифани муваффақиятли адо этаётганини таъкидладилар. Шубҳасиз, янгича қараш, эркин фикрлаш, мустақил қарор қабул қилишга қодир, Ватани ва халқига содиқ, демократик, фаровон давлат ва жамият қуриш ишини муносиб давом эттирадиган, бу борада буюк ишларни амалга ошириш қобилиятига эга мутахассисларни тайёрлашда университетнинг ҳиссаси беқиёсдир.

– Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртимиз ва республикамиз таълим тизимига нечоғли катта эътибор қаратаётганини мамлакатимизнинг барча жойларида кўриш мумкин, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг полимерлар кимёси кафедраси профессори, давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлган Туйғун Бобоев. – Масалан, шу йилнинг баҳорида бўлиб ўтган мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан халқаро Менделеев олимпиадасида энг кўп медалларни ҳақли равишда Ўзбекистон вакиллари қўлга киритди. Шуни таъкидламоқчиманки, ёшларимизнинг билим даражаси мунтазам ошиб бормоқда. Бу мамлакатимизда йигит-қизларнинг жаҳон стандартлари даражасида, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига ёрдам берадиган билим олиши учун барча шарт-шароит яратилганининг ёрқин далилидир.

– Биз, талабалар Юртбошимиздан ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги учун беҳад миннатдормиз, – дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, университет иқтисодиёт факультети магистратурасининг 2-босқич талабаси Дилшод Абдуазизов. – Бугун биз ўз қобилиятимизни ривожлантириш, ҳар томонлама чуқур билим олиш, илмий фаолият ҳамда ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун катта имкониятларга эгамиз. Бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан бор билим ва иқтидоримизни Ватан равнақи йўлида сафарбар этишимиз, Президентимиз ташаббуси билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда янада фаол иштирок этишимиз зарур. Бу бизнинг эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Тантанали йиғилиш санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига*

## ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ ЮБИЛЕЙ НАШРИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИНИНГ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ЭНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 1 МАЙДАГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ, ЮРТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНИ БУНИНГ ЯНА БИР ДАЛИЛИДИР.**

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармони тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Бугунги кунда ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда.

Инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирда инсон эркинликлари кафолатининг буюк хартиясидир.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига 1991 йилда қўшилган. Декларация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган. Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксиз тизими барпо этилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг нодавлат тизими, фуқаролик жамияти институтлари фаол ривожланмоқда. Бу соҳадаги самарали халқаро ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Декларация юбилейини ўтказиш Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш борасидаги давлат сиёсати ҳақида, мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар тўғрисида кенг кўламда ахборот тарқатишда муҳим ўрин тутади.

Мустақиллик йилларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг матни ўзбек тилида нашр этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда тайёрланган Декларациянинг юбилей нашри бу борадаги яна бир салмоқли иш бўлди.

Ихчам ва қулай шаклдаги ушбу нашр ўзбек тилида кирилл ва лотин алифболарида алоҳида мўъжаз китоблар ҳолида кўп минг нусхада чоп этилган.

**(ЎзА)**

**МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ЙЎЛ ОЧИБ БЕРИБ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ БЎЛМИШ ОИЛА РАВНАҚИ, МУСТАҲКАМЛИГИ, ЁШ ОИЛАЛАРНИНГ МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИНГ ТЎКИС БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.**

*Фармон ижроси йўлида*

## ЁШ ОИЛАЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Қолаверса, ёшларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳнат фаолиятини бошлаётган, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигитларни қўллаб-қувватлаш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмларини яратиш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган диққат-эътибор намунаси ҳам бўлди. Ўтган 2007 йил 18 майда эълон қилинган ушбу Фармонда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, рўзғор таъминотини йўлга қўйишда ҳар жиҳатдан кўмаклашиш кўзда тутилган. Хусусан, шу мақсадда тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилмоқда. Бундан ташқари, ёш оилаларни давлат томонидан уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Унгача ёш оилаларнинг юртимизнинг турли ҳудудларидаги давлатга қарашли, вақтинча фойдаланилмаётган турар жойлар, уйлар, шунингдек, кўп хонадонли уйларда бўш турган хонадонлардан фойдаланиши учун, бир томондан, ҳуқуқий асос, иккинчи томондан, молиявий имконият, учинчидан эса унга эгалик қилишнинг амалий механизми яратилмаган эди. Фармонда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга молик масала бўлди. Хусусан, шундай бўш турар жойлар, улардаги маиший шароитларнинг ёш оилалар яшаши учун мос келиши нуқтаи назаридан қисқа муддатларда инвентаризация қилинди. Сўнгра улар негизида оилавий турар жойлар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этилди. Кўриниб турибдики, мазкур Фармон мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида, жамиятимиз тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатлар қаторидан жой олди. Ҳозирда тегишли идоралар, муассаса ва ташкилотлар, мутасадди раҳбарлар унинг ижросини таъминлашга киришганлар.

Хусусан, «Ёшлар йили» давлат дастурида ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш, ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга қўйишда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри бўйича 1666 та ёш оилаларга рўзғор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда 4 қаватли уйлар қуриш мўлжалланган. Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган «Меҳрибонлик уйлари»нинг 58 та битирувчиларини оилавий турар жой билан таъминланиши назарда тутилган. Ҳар бир туманда камида 20 тадан кам таъминланган оила тўйлари ва оилавий тантаналарни ўтказилишига кўмаклашиш дастурда қайд этилган.

Ушбу хайрли тадбирларнинг ижросини амалда таъминлаш юзасидан жойларда кенг кўламли тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, ушбу дастур ижросини таъминлашга доир ишлар юзасидан олиб борилаётган тарғибот тадбирлари Яккасарой туманида жойлашган барча ташкилотлар, корхоналар, таълим муассасаларида ҳам мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Айтиш жоизки, ёшларнинг жамият ва ҳаётдаги ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари қонунлар асосида кафолатланади. Ана шу имконият ва имтиёзларни ёшлар онгига сингдириш эса ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилаётган тадбирларда ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, бундай ўтказилаётган тадбирлардан яна бир кўзланган мақсад ёшларни ҳаётга, яшашга иштиёқи ошиши, фаолияти ва руҳиятида кўтаринкилик юзага келишини таъминлаш баробарида мамлакатимизда уларни тўкис камолга етишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд эканлигини ва бундай имкониятлардан одилона ва оқилона фойдаланишга қаратилгандир.

Зеро, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир уйғоқ фикрли йигит-қиз юрт тақдири, миллат юкини елкалашга қодир. Уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, мадад бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бевосита Ватанимизнинг порлоқ истиқболи пойдеворини янада мустаҳкамлаш демакдир.

**Носир СОДИҚОВ,**
**Яккасарой тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус**



**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. БУ БОРАДА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН, ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ МУНТАЗАМ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ҚЎШМА КОРХОНАЛАР СОНИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА, УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.**

## ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН: ИШОНЧЛИ ВА ЧИДАМЛИ

"Nexia" ва "Matiz" автомобиллари учун ёнилғи насослари ишлаб чиқарадиган, низом жамғармаси 450 минг АҚШ доллари бўлган "Toshafus" Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ўтган йили август ойида пойтахтда рўйхатга олинди. Катта тайёргарлик ишларини амалга оширгандан сўнг шу йилнинг март ойида маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бунинг учун замонавий компьютерлаштирилган ва яримавтомат дастгоҳлар, синов стендлари ўрнатилди. Ишчиларни танлаш ва ўқитиш масаласига ўта жиддий эътибор қаратилди.

— Корхонамизда 43 киши меҳнат қилади, — дейди "Toshafus" қўшма корхонаси бош директори Қўнғиротбой Шарипов. — Уларнинг аксарияти ёшлардир. Тўрт нафар муҳандис-электрончи олий ўқув юртини тамомлаган ва магистрлик дипломига эга. Бошқа ишчиларимиз ҳам бу ерга келиб, Жанубий кореялик ҳаммуассисимиз - "Kafus" фирмаси мутахассислари бошчилигида янги мутахассисликни эгаллади. Икки нафар ишчимиз эса Жанубий Кореяда малака оширди.

"Toshafus" корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига катта эътибор қаратилади. Шу боис, бу ерда ишлаб чиқарилган илк ёнилғи насос намуналари "Kafus" фирмасига ва "GM-Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамиятига ҳар томонлама синовдан ўтказиш учун юборилди.

Корхонада маҳсулот сифатини бошқариш учун Норбой Халилов масъул. Унинг таъкидлашича, қўшма корхонага Жанубий Кореядан келтирилаётган бутловчи қисмлар ва деталлар махсус ускунада синовдан ўтказилиб, шундан сўнггина йиғув линиясига келиб тушади. Технологик қонун-қоидаларга кўра, корхонанинг барча ҳудудида бўлгани каби, ишлаб чиқариш биноларида ҳам тозаликка риоя қилинади, белгиланган даражада ҳарорат ва намлик сақланади. Зеро, насосга тушган ҳар қандай чанг унинг ишлашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тайёр маҳсулотнинг албатта текширувдан ўтказилиши носоз ускунанинг буюртмачига тушмаслигини кафолатлайди.

Оператор Елена Горина "Nexia" автомобили учун ишлаб чиқарилган ёнилғи насосларини якуний синовдан ўтказади.

— Мен ишлайдиган синов ускунаси носозликни бехато аниқлаш имконини беради, — дейди Е.Горина. — Электроника носоз насоснинг омборхонага тушишига йўл қўймайди ва тегишли сигнални беради.

Корхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шароит яратилган.

Айни вақтгача бу ерда 32 мингга яқин ёнилғи насослари ишлаб чиқарилди. Шундан 26580 таси буюртмачи - "GM-Uzbekistan" ёпиқ акциядорлик жамиятига юборилди. Тузилган шартномага мувофиқ жорий йил охиригача "Nexia" автомобиллари учун жами 41 минг, "Matiz" автомобиллари учун 35552 дона насос етказиб бериш мўлжалланган. Бу корхонага шу йилнинг ўзида 740 минг доллар миқдоридаги маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Қўшма корхона жамоаси товарлар турларини мунтазам кенгайтириб, талаб юқори бўлган импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.

**А.АРИСТОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Жамғармалар фаолиятидан*

## ФАХРИЙЛАР ЭЪТИБОРДА

**АЗАЛ-АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗ МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, САХОВАТЛИ, БИР-БИРИНИ СУЯБ, ЯХШИ КУНИДА ҚУВОНИБ, ЁМОН КУНИДА ЁНИДА ТИРГАК БЎЛГАН, ДЎСТУ БИРОДАРЛИКНИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН ҚЎЙГАН.**

Фақат ўзимизга, менталитетимизга хос бўлган ушбу эзгуликка йўғрилган фазилатлар бугун янада бўй кўрсатиб ёрдамга муҳтож, ногирон, кекса, кўмакчиси йўқ инсонларнинг оғирини енгил қилиб, ҳаётда умид ва ишонч билан яшашга ундаб келмоқда.

Хусусан Сергели тумани «Нуроний» жамғармаси фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак фикримиз тасдиғини кўргандек бўламиз. Гап шундаки, «Нуроний» жамғармаси ўз фаолияти давомида имкон қадар кишилар кўнглини кўтариш, оғирини енгил қилиш, савоб ишларга бош бўлиш каби хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Биринчи навбатда уруш ва меҳнат фахрийлари эътиборимизда, — дейди туман «Нуроний» жамғармаси раиси Баҳодир Қурбонов. — Озод ва обод юрт тинчлиги, осудалиги, фаровон ҳаёт учун жанг майдонларида қон кечган, оғир меҳнат зарбидан елкалари эгилган уруш ва меҳнат фахрийлари сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Уларга ҳар қанча ҳурмат ва эътибор кўрсатсак арзийди. Туманимизда улар сони 990 нафарни ташкил этса, ҳар бир байрам, шонли саналарда туман ҳокимлиги ёрдами ва бевосита биргаликда улар ҳолидан мунтазам хабар олиб турамиз. Яқинда уларнинг 104 нафарига, ётиб қолган 38 нафар фахрийларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Эътиборлиси туманда бундай хайрли ишларга бош қош бўлаётган корхона, ташкилотлар сафи тобора ортиб бормоқда. Масалан туман уй-жой ширкатлари томонидан ёрдамга муҳтож оилаларнинг уйлари қишки мавсумга тайёргарлик жараёнида тўла таъмирлаб берилди. Туман «Файзли-транс» корхонаси томонидан ётиб қолган, касалманд, пенсионерлари бўлган 75 та оила эса чиқинди пули тўлашдан озод қилинди.

— Ёшлар йилида биз яна туманимиздаги ногирон, касалманд фарзандлари бўлган оилаларнинг ҳолидан ҳам хабардор бўлишга, совға-саломлар бериш, йўқлашга ҳаракат қилмоқдамиз, — дея суҳбатни давом эттиради Баҳодир Қурбонов. Ҳар йили Мустақиллик ва Наврўз байрамларида болажонларнинг суннат ва ёшларнинг никоҳ тўйларини катта тантана билан туман ҳокимлиги томонидан ўтказилиб берилиши ҳам аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Хотира ва қадрлаш куни олдидан уруш ва меҳнат фахрийларини кўҳна Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борганимиз ҳам барчага маъқул бўлиб, зиёратчиларда катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мақсадимиз бир-біровимизни вақтида йўқлаш, яхшилик, меҳр-муҳаббатни ёшларимиз онгига сингдириш, шу она юртга садоқатли, ватанпарвар бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишдир.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**

## «KIAF-2008» халқаро санъат кўргазмаси

**СЕУЛДАГИ «COEX» МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР МАЖМУАСИДА «KIAF-2008» САККИЗИНЧИ КОРЕЯ ХАЛҚАРО САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Корея Республикасининг вазирлик ва идоралари, маданий ва ижтимоий доиралари, Сеулда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Кўргазма ҳар йили ўтказилиб, уни Корея Ташқи ишлар ва савдо вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Сеул шаҳри мэрлиги, Галереялар ассоциацияси, Сайёҳлик бўйича расмий агентлик, шунингдек бир қатор халқаро ҳамда маҳаллий бизнес ва медиа компаниялари анъанавий тарзда қўллаб-қувватлаб келади.

Ўтган йиллар давомида Корея халқаро санъат кўргазмаси турли мамлакатлар маданияти ва санъатини бирлаштиришга хизмат қилувчи ёрқин лойиҳага айланди. Ҳар йили 60 мингдан зиёд анъанавий ва замонавий санъат ихлосмандлари ташриф буюрадиган мазкур анжуман минтақа маданий ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири саналади.

Меҳмонлар эътиборига ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик ҳамда фотосурат йўналишларида ижод қилувчи икки юздан зиёд кореялик ва хорижлик санъат усталарининг асарлари ҳавола этилди.

Анъанавий санъатнинг кўп қиррали ва ранг-баранг эканлиги Корея Республикаси, Хитой ва Япония усталарининг ижодларида айниқса ёрқин намоён бўлган. Кўргазма экспозициясидан Германия, Испания, Буюк Британия, Австрия, Швейцария ҳамда АҚШ сураткашларининг фото тўпламлари ҳам ўрин олган.

Мутахассисларнинг фикрича, янгиликка интилиш ва одатдаги ёндашувлардан ўзгача йўналишга эга бўлган «KIAF-2008» кўргазмаси бадиий ижоднинг турли йўналишлари, услуб ва шаклларини ўзида мужассам этади. Бу ерда ҳам ҳаваскор, ҳам маҳоратли усталарнинг ишлари жаҳон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, анъанавий ва замонавий санъатни оммалаштириш мақсадида намойиш этилади.

Анжуман қатнашчилари эътиборига Ўзбекистон Бадиий академияси аъзолари Искра Шин, Нодира Шоабдураҳмонова, Валерия Книна, Алишер Алиқуловнинг ранг-тасвир асарлари ҳавола этилди. Улар юртимизнинг бой табиати ва руҳияти билан йўғрилган бўлиб, ўзининг жўшқинлиги ва миллийлиги билан томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.

Кўргазма ташкилий қўмитаси раиси Янг-жу Паркнинг сўзларига кўра, ўзбекистонлик рассомларнинг ишлари «KIAF-2008»нинг энг сара асарлари каталогидан ўрин олади.

Кўргазма ўз ишини сентябрь ойининг охирига қадар давом эттиради.

**«Жаҳон» АА.**
**Сеул.**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Нияти холис, нафсидан кечган кишининг одамлар орасидаги ҳукми албатта тўғри бўлади.

* * *

Золимни мақтасанг ҳам бўлгай доим
пушаймон,
Мазлум мазамматда ҳам яшайди
шоду хандон.
Ҳар кимнинг ўз нияти ўзига доим йўлдош,
Ким дунёга ҳирс қўйса, азобдадур
дилу жон.

* * *

Дилда очкўзлик ғалаба қилса, кишини орзу ҳавас ўлдиради.

* * *

Дунёда яхшилик йиғмаган бўлсанг,
Йиққанларга дучор келурсан ўлсанг.
Сен унда уларга тенг бўлолмайсан.
Ажабмас ўшанда пушаймон бўлсанг.

* * *

Золимнинг юзига қараш ҳам гуноҳдир.

* * *

Зарарли рост сўздан қочинглар, фойдали ёлғоннинг зарари йўқдир.

* * *

Заруратда киши ихтиёрсиздир.

* * *

Худо агар бандасига яхшиликни хоҳласа, унга иш, ҳаракат эшигини очади.

* * *

Нафс, агар этсанг сўзимга эътибор,
Иззат-икром бўлғусидир сенга ёр.
Дунёнинг кайфу сафосин айла тарк,
Бўлди кўплар базму кайф деб шармсор.

* * *

Сени айбламаганларни айблашдан сақлан, соғ ва тинч яшайсан.

* * *

Сенга бирор тўғрида узр айтганларнинг узрини қабул қил.

* * *

Ғийбат энг ёмон ишдир.

* * *

Ақл ва тадбир билан иш олиб бориш ҳаёт ва турмуш учун курашнинг шартидир.

* * *

Бўлмас иш бўлмайди ҳийла билан ҳам,
Бўлар нарса ўзи бўлаверади.
Жоҳиллар эзилиб юради ҳар дам,
Диллари қайғуга тўлаверади.

* * *

Дегил ғийбатчиларга қатъиян сан,
Сира ҳам севгилимдан қайтмагайман.

* * *

Ким деса, ишқ аввалида ихтиёрий
унга сен,
Айтки, ишқда ихтиёрий нарса йўқдур
ҳеч қачон.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.**

*Спорт янгиликлари*

## ҚИЗҒИН БАҲСЛАР ОЛДИНДА

**КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ ТЕННИС МАКТАБИ КОРТЛАРИДА СТАРТ БЕРИЛГАН WTA ТАСНИФИДАГИ «TASHKENT OPEN — 2008» ЖАҲОН ТУРНИРИНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ.**

Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси доирасида ўн йил давомида ўтказиб келинаётган ушбу турнирнинг нуфузи ортиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. «Tashkent open — 2008»да 17 та давлат иштирок этаётган бўлса, янги ўйинчилар қаторида Грузия ва Қозоғистон вакиллари илк бор қатнашаётир.

Терма жамоалар таркибида энг кўп — етти нафар теннисчи Россия шарафини ҳимоя қилади. Жумладан, саралашда қатнашган уч нафар ўйинчидан Нина Братчикова ва Александра Панова асосий турнирга йўлланма олди. Нидерландиялик Аратха Рус саралаш босқичдан осонгина ўтган бўлса, қирғизистонлик Ксения Палкинанинг квалификациянинг икки даврасида ҳам анча тер тўкишига тўғри келди.

Афсуски, саралаш босқичида қатнашган 10 нафар ўзбекистонлик спортчилардан биронтаси ҳам асосий турнирга йўлланма ололмади. Бироқ омади очиқ беллашувда чопмаган Нигина Абдураимовага тасодифий имконият очилди. Турнирда қатнашишга розилик берган, бироқ жиддий сабаб ила кела олмаган ўйинчи ўрни -«лаки-луза» ҳамюртимизга насиб этди.

«Tashkent open — 2008»да Ўзбекистон жамоасини жаҳон таснифида 78-поғонани эгаллаб турган Оқгул Омонмуродова бошқармоқда. Оқгул еттинчи рақам билан сараланган, яъни турнирнинг энг кучли саккизта ўйинчиларидан бири бўлса, унинг қаторида Хитой, Руминия, Россия, Словакия, Белоруссия ва Германия вакиллари ҳам биринчи юзликдаги теннисчилардир.

Дарвоқе, «вилд кард» – ишонч йўлланмаси билан мусобақада иштирок этаётган ҳамюртимиз Диляра Саитхўжаева биринчи даврадаёқ тўртинчи рақам билан сараланган германиялик Сабина Лисицкига рўбарў келиб, бу кучли рақибининг зарбаларига дош бера олмагани боис ракеткасини ғилофлашига тўғри келди.

Оқгул Омонмуродова бугун 128-поғонани эгаллаб турган Урсула Радванска (Польша)га қарши кортга тушади. Ишончимиз комилки, мамлакатимизнинг биринчи ракеткаси бу турнирдаги илк синовдан ўз мақомига яраша муваффақиятли ўтиб, ўз ортидан беллашувларга ҳозирланиб турган жамоадошлари Алиса Огородова ва Влада Якшибароваларнинг ўз кучига ишонишларига замин яратиб беради.

Кейинги босқичда эса Оқгул WTA турнирида илк марта қатнашаётган грузиялик София Спатава билан беллашиши мумкин. Айтиб ўтиш керакки, ушбу спортчи кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида диёримиз ҳақида илиқ фикрлар билдирди. Хусусан, «Тошкент ўз номи билан ёдимда доимий муҳрланиб қолади. Бу шаҳарда менинг орзуим ушалди. Бутунжаҳон таснифидаги биринчи шахдам қадамим, қанчалик ҳаяжонланмайин, яхши натижа берди», дея таъкидлаб ўтди.

Бугун чорак финалга чиқиш учун беллашадиган олти нафар теннисчилар номи ҳам аниқланади.

Шунингдек БУГУН «Tashkent open — 2008» турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бир хафта давом этадиган катта теннис мусобақалари доирасида болалар байрами ҳамда вип-турнирнинг ўтказилиши ҳам кутилмоқда. Қизиқарли ва муросасиз беллашувлар эса ҳали олдинда. Ҳамюртларимизга омад тилаб қоламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## КАРТИНГ — ЧИНИҚИШ ОМИЛИ



**МАЪЛУМКИ, МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ВА УНИНГ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА ТУРЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.**



Хусусан куни кеча пойтахтдаги МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг автодромида автомобиль спортининг картинг тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ҳам айнан юқоридаги мақсадлар йўлида ташкиллаштирилиб, Ёшлар йилига бағишланди.

Барча спортсевар ёшларда катта қизиқиш уйғотган ушбу мусобақа МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, «Нуроний» жамғармаси ва Маънавият тарғибот марказларининг шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиздаги барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан саксондан ортиқ спортчи иштирок этди.

— Автомобиль спортининг картинг тури юртимизга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келган бўлсада, истиқлол йилларида ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсон сифатида камол топтириш мақсадида уларни спортга жалб этиш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ янада оммалашди. Ҳозирда МК «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги 11 та ўқув-спорт техник клублари ва Тошкент бирлашган техника мактабида мазкур спорт тури билан юздан ортиқ чақириққача бўлган ёшлар мунтазам шуғулланмоқда. Ўтган йиллар мобайнида спортчиларимиз бир неча бор қўшни давлатларда бўлиб ўтган нуфузли мусобақаларда иштирок этиб совринли натижаларни қўлга киритди, — дейди биз билан суҳбатда МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг маънавият, ташкилий оммавий ишлар, ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи бўйича ўринбосари Иззат Яманов. — Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур мусобақанинг ТБТМ автодромида яқиндагина таъмирдан чиқарилган 22 километрлик трассада ўтказилиши спортчилар ва картинг ишқибозлари томонидан юқори баҳоланди.



Муросасиз кечган мусобақалар натижасига кўра шахсий биринчилик баҳсларида Тошкент бирлашган техник автомобиль мактаби аъзоси Ж.Мирҳосилов, Ангрен автомобиль мактаби вакили В.Ушека, Тошкент автомобиль йўллари институти вакили А.Силенко, «Ўзбек-Карт» спорт жамоаси аъзоси В.Крилов ғолибликни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида эса Тошкент-1 жамоаси биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент-2 жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Клублараро мусобақаларда эса 1-ўрин Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатига, 2-ўрин Ҳамза туман Ўқув-спорт техника клубига, 3-ўрин Тошкент бирлашган техника мактабига насиб этди.

Тадбир сўнгида ғолиблар ҳомийларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: спортнинг картинг тури бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионати мусобақаларидан лавҳалар.**

*Эркин кураш*

## ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

**АНДИЖОНДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИ ОЧИҚ ТУРНИРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ СПОРТЧИЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Шуниси қувонарлики, муросасиз, шиддатли курашларга бой ўтган баҳслар якунида ўз вазн тоифаларида ҳамшаҳарларимиздан Баҳром Тешабоев, Салоҳиддин Нажимов ва Достон Турсуналиевлар турнир ғолиблигини қўлга киритишди.

*Теннис*

## ХАЛҚАРО ТУРНИР

**ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ МАРКАЗИЙ ТЕННИС КОРТИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА ТЕННИС БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТУРНИР УЮШТИРИЛДИ.**

Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган спортчилар ўртасида бўлиб ўтган ушбу мусобақа финалида австралиялик Никола Хофманова ва россиялик Елена Куликова ғолиблик учун кураш олиб боришди. Анча қизиқарли кечган баҳс якунида рақибини мағлуб этган Елена Куликовага турнир ғолиблиги насиб этди.

Жуфтлик беллашувларининг бош соврини учун болгариялик Има Бохуш ва украиналик Леея Цуренкова билан курашган ҳамюртларимиз Альбина Хабибулина ва Александра Колесниченкодан омад юз ўгирди. Қизиқарли кечган беллашув якунида бош соврин болгариялик ва украиналик ракетка усталарига насиб этган бўлса, ҳамюртларимиз иккинчи ўринни олишди.

Соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур турнир якунида ғолиблар ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

*Футбол*

## ЗИКО ТОШКЕНТДА

**БРАЗИЛИЯЛИК ФУТБОЛ МУТАХАССИСИ ЗИКО ПОЙТАХТИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИГА МУРАББИЙ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.**

Чунки ўтган асрнинг 80-йилларида Бразилия терма жамоаси таркибида тўп сурган моҳир футбол юлдузи айни кунларда пойтахтимиз Тошкентда «Бунёдкор» жамоаси ўйинларини диққат билан кузатяпти.

Мураббийлик фаолияти мобайнида Япония терма жамоасини жаҳон чемпионатида қатнашишига муносиб ҳисса қўшган Туркиянинг «Фенербахчи» клубини Европа чемпионлар лигасига олиб чиққан Зико «Бунёдкор» мураббийси сифатида жамоани энг кучли клубга айлантириши мумкин. Ҳозирча жамоа билан бир йилга шартнома имзолаган Зико Ўзбекистон терма жамоасида ҳам маслаҳатчи мураббий сифатида фаолият олиб боради.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ВАКАНТ ЖОЙЛАРИГА ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

*1. Рақс гуруҳи – 14-25 ёшдаги қизлар.*
*2. Турли цирк жанрлари (акробатика, гимнастика, ҳайвонларни ўргатиш, масхарабозлик)да кўникма олиш истагида бўлган 14-18 ёшдаги йигит-қизлар.*
*3. Манеж хизматчилари (униформистлар) – 18-30 ёшдаги йигитлар.*
*4. Ҳайвонларни парвариш қилувчи ишчилар.*

***Маълумотлар учун телефонлар: 244-34-35, 244-35-09.***

**ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**
**Диққат!**

Тошкент Давлат цирки 2008 йил 18 октябрдан бошлаб Осиё мамлакатларининг етакчи цирк усталари иштирокида янги дастурга таклиф этади!

Сизларни

Гимнастикачилар, акробатлар, моно-велофигурачилар билан унутилмас учрашувлар кутади.

Ўргатилган ҳайвонлар, шунингдек масхарабозларнинг қизиқарли чиқишлари намойиш этилади.

Дастурлар якшанба кунлари — 12.00, 15.00 да бошланади.

Маълумотлар ва жамоа бўлиб иштирок этиш учун буюртмалар қуйидаги телефонлар орқали берилади:
**244-35-91, 244-35-94, 244-32-23.**

Кўришга шошилинг!

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Корхоналарни тугатиш бўйича доимий ишловчи Махсус комиссия маълум қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан тасдиқланган «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби» тўғрисидаги Низомга мувофиқ тугатилаётган қуйидаги корхоналарнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларининг асл нусхалари бекор қилинади:

| № | Корхона номи | СТИР |
|---|---|---|
| 1 | «ВОТ» ҚК | 202284075 |
| 2 | «Кейхон» ҚК | 201221454 |
| 3 | «Zelmona Trading Tashkent» ШК | 202261888 |
| 4 | «Анхон-Наво» ҚК | 201861933 |
| 5 | «Rastr-PH» ҚК | 203411858 |
| 6 | «Эко-Алоқа» ҚК | 200986374 |
| 7 | «Al-Nemoni» ҚК | 201862339 |
| 8 | «Билим бойлик» ҚК | 203732545 |
| 9 | «Наржис» ХК | 201995347 |

**АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА !**

2008 йил 1 октябрдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилган, яъни аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергияси нархи 60 сўм 40 тийин қилиб белгиланди.

Ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун электр энергияси нархи 30 сўм 20 тийин этиб белгиланди.

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари ОАЖ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3329 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 14.10